

Лойиха-смета тайёрлаш шартномаси № 04

07.04.2022 йил

Жиззах ш.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи **Жиззах вилояти АЙББ** номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи: **Х. Рахматов** ва **“Жиззахйўллойиха” маъсуляти чекланган жамияти** (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор. **Ў. Отабобоев**, мазкур шартномани куйидаги ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети:

1.1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича «Ижрочи» «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1,2 бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи. **Давлат ахамиятидаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишларига лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб беришни топширади**, Ижрочи эса ушбу хужжатларни тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати: 30 кун

Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга .

1.3.1. Хизматлар «Буюртмачи» ёки унинг ваколатли вакили тамонидан хизматларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур келишув битими 1.2. бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 3 (уч) кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи тамонидан кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 30% тўловни амалга оширади, қолган 70% хизматларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб бир ой ичида ҳақ тўлаш.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга.

2.3.1. Ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у тамонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзоланганга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олганга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.4. Шартнома газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан кейин юридик кучга эга булади ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

3. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ўзаро ҳисоб - китоб қилиш тартиби:

3.1. Мазкур шартнома баҳоси (ҚҚС) билан: **102 215 000 (Бир юз икки миллион икки юз ўн беш минг)** сўм ни ташкил қилади.

30664,500

60% 30%

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб – китоб ҳисоб варағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг кредит ва грант маблағлари молиялаштирилмаган тақдирда. “Буюртмачи” тўлов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

4.Тарафларнинг жавобгарлиги:

4.1. Мазкур шартноманинг 1,3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига , аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.Форс-мажор ҳолатлари:

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслиги сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби:

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни

Иқтисодиёт суди

(Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган)

суднинг номи ва жойлашган жойи кўрсатилсин)кўриб чиқишга топширилади.

7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби:

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8. Яқуний қондалар:

8.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.

9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Буюртмачи

Жиззах вилояти АЙББ

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият маҳалласи

Пахтакор кўчаси 10-уй

СТИР: 201 988 537 ОКОНХ: 97400

Телефон/факс: (72) 222-22-17

ш/хр: 3045 1086 0084 0170 4515 2118 001

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

СТИР: 201 122 929 МФО: 00014

Ижрочи

“Жиззахйўллойиха” МЧЖ

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият

маҳалласи Пахтакор кўчаси 9-уй

Тел/факс: (72) 222-65-58

х/р: 2020 8000 1040 5928 9001

ИНН: 203 294 197 ОКЕД: 71110

МФО: 00140

Банк: Асака банк Жиззах филиали

Рўйхатдан ўтиш коди (ККС) 3081 2001 8529



Марказий банк бош бошқармаси Тошкент ш.

Директор

Х. Раҳматов

Юридик кўрсаткич

Х. Б. Жўраев

Директор: У. Отабобоев



Жиззах вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси танлов комиссиясининг "Давлат ахамиятидаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишларига лойиха-смета хужжаглари тайёрлаб бериш" ишлари бўйича №22110012057422-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловга асосан

ШИКОЯТ ТУШМАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
БАЁННОМА №1

07.04.2022 йил

Жиззах шаҳри

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | | |
|----|----------------|------------------------------------|
| 1. | Х. Қодиров | -Бош муҳандис, комиссия раиси |
| 2. | А.Саъдуллаев | -Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси |
| 3. | Х.Тургунов | -Бош юрисконсульт, комиссия аъзоси |
| 4. | А.Мухаммадиев | -Бош мутахасис, комиссия аъзоси |
| 5. | С.Абдушукурова | -Бош мутахасис, комиссия котибаси |

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

"Давлат ахамиятидаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишларига лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш" ишлари бўйича №22110012057422-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловга асосан ўтказилган электрон танлов муҳокамаси.

ЭШИТИЛДИ:

Бош бошқармаси танлов комиссиясининг раиси Х.Қодиров сўзга чиқиб, бошқармамиз тасарруфидаги "Давлат ахамиятидаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишлари" бўйича "Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш" бўйича "XARID.UZ" ахборот порталига энг яхши таклиф учун электрон 113 572 000 сўмга танловга эълон жойлаштирган эдик.






Мазкур эълонга асосан 2022 йил 1 апрель куни ўтказилган электрон танловда "Жиззахйўллойиха" МЧЖ томонидан №22110012057422-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловда ғолиб деб эълон қилинади. Юқорида кўрсатилган ишларни бажартиришимиз зарур бўлмоқда. Ўтказилган энг яхши танлов бўйича фикр мулохазаларингизни ва таклифларингизни билдиришларингизни сўрайман.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари А.Саъдуллаев, Бош юристкосульт Х.Тургуновлар сўзга чиқиб ўз фикр мулохазаларини билдирдилар ва танловнинг электрон портал орқали шаффоф ўтказилганлиги, танлов бўйича ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар бўлмаганлигини ўз сўзларида маълум қилишдилар.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб, танлов комиссияси.

ҚАРОР ҚИЛАДИ.

1. Мазкур танлов юзасидан ҳеч қандай шикоят тушмаганлиги "Жиззахйўллойиха" МЧЖ электрон танловда ғолиб чиққанлиги сабабли танлов қонун талабларига кўра электрон тарзда бўлганлиги сабабли танлов шаффоф ўтган деб топилсин.

- | | | | |
|----|----------------|---|------------------------------------|
| 1. | Х. Қодиров |  | -Бош муҳандис, комиссия раиси |
| 2. | А.Саъдуллаев |  | -Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси |
| 3. | Х.Тургунов |  | -Бош юрисконсульт, комиссия аъзоси |
| 4. | А.Мухаммадиев |  | -Бош мутахасис, комиссия аъзоси |
| 5. | С.Абдушукурова |  | -Бош мутахасис, комиссия котибаси |